

**МАНЗУ: Хорижий инвесторлар ҳуқуқий  
ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари.  
Хорижий инвестицияларни жалб  
қилишнинг илмий-услубий асослари**

**Муаллиф: Намозов Жўрабек**

# **МАНЗУ: Хорижий инвесторлар ҳуқуқий ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари. Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг илмий-услубий асослари**

**Режа:**

- 1. Чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**
- 2. Хорижий сармоядорларга яратилган кафолатлар, имтиёзлар ва рағбатлантириш омиллари.**
- 3. Ўзбекистон Республикасининг инвестиция сиёсати.**
- 4. Ўзбекистон Республикасида инвестицияларни жалб қилишнинг асосий йўналишлари.**

## **1. Чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**

Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар унинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасидаги асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидагилардир:

- Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 24.12.1998 й.;
- Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни, 30.04.1998 й.;
- Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоя чоралари тўғрисида»ги Қонуни, 30.04.1998 й.

Чет эллик инвестор халқаро ҳуқуқ принциплари ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- инвестициялашни амалга оширишнинг ҳажмлари, турлари ва йўналишларини мустақил белгилаш;

- юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш;

- ўзининг инвестицияларига ва инвестиция фаолиятининг натижаларига эгаллик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш;

- инвестиция фаолияти натижасида олинган ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини чет эл ёки мамлакатимизда патентлаштириш;

- Ўзбекистон Республикасига кредитлар ва қарзлар тариқасида пул маблағлари жалб этиш;
- ўз ҳисобварағидаги миллий валюта маблағларидан ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиб олиш учун фойдаланиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ, ер участкаларига доир ҳуқуқларни сотиб олиш;
- ўз инвестициялари ва бошқа активлари реквизиция қилинган тақдирда мутаносиб равишда товон олиш;
- давлат бошқарув органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари ҳамда қарорлари натижасида етказилган зарарларни ундириш ва бошқалар.

Чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга оширишда қуйидаги мажбуриятларга эга:

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этиш;
- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа тўловлар тўлаш;
- инвестициялаш муносабати билан ўз зиммаларига олган шартнома мажбуриятлари бўйича жавоб бериш;
- инвестиция лойиҳаларида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларидан келиб чиқадиган санитария-гигиена, экологияга оид ва бошқа талабларга риоя этилганлиги хусусида экспертиза хулосасини олиш;
- инвестиция фаолияти бўйича шерикларига ёки давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ноқонуний таъсир ўтказишдан ўзларини тийишлари шарт.

## 2. Хорижий сармоядорларга яратилган кафолатлар, имтиёзлар ва рағбатлантириш омиллари.

Давлат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторлар инвестиция фаолиятини амалга оширишлари пайтида уларнинг барча ҳуқуқларини кафолатлайди ва ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Фармони (2012 йил 10 апрел)га кўра, 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган корхоналар (руйхат буйича) даромад (фойда), мулк, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш, **экология**, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқлар тўлашдан, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилди.

Фармонда белгиланганидек, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда мазкур солиқ имтиёзлари берилади:

- 1) 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача - 3 йил муддатга;
- 2) 3 миллион АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача - 5 йил муддатга;
- 3) 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда - 7 йил муддатга.



Ушбу Фармоннинг 1-бандида кўрсатилган солиқ имтиёзлари қуйидаги шартлар асосида қўлланилиши белгилаб қўйилган:

1) корхоналарни ортиқча ишчи кучи бўлган минтақалар - Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларда, шунингдек, Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш (Тошкентдан ташқари барча ҳудудларда);

2) корхонанинг устав капиталида хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 50 (33) фоизни ташкил этиши лозим;

3) корхона давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни киритиш (кафолатсиз);

4) хорижий инвестицияларни эркин алмаштириладиган валюта ёки янги замонавий технологик ускуна тарзида қўйиш;

5) мазкур имтиёзларни қўлланиш муддатида имтиёзлардан олинган даромадни (камида 50 фоизни) корхонани янада ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга йўналтириш.

Иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш масалалари диққат марказида бўлганлиги туфайли 2007 йилда рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш, солиқ кредити ва имтиёзларидан кенгрок фойдаланиш имкониятлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқаришға илғор замонавий ускуналарни мунтазам киритиш асосида модернизациялашни таъминласа, янги жиҳозлар ишлаб чиқаришға жорий этилган пайтдан бошлаб қуйидаги қўшимча имтиёзларға эға бўладилар (2013 йилдаги узгартиришлар билан):

- хўжалик юритувчи субъектларга 5 йил мобайнида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, янги технологик ускуналар харид қилиш, янги қурилиш шаклида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга, шунингдек, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар миқдорида, тегишли солиқ даврида амортизация ажратмаларини чиқариб ташлаган ҳолда, аммо солиққа тортиладиган даромаднинг 30 фоизидан ошмайдиган миқдорда фойдадан олинадиган солиқ базаси камайтиради;

- солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланиладиган юридик шахслар учун беш йил давомида ягона солиқ тўлови тўлашда солиққа тортиладиган базани харид қилинган янги технологик жиҳозлар қийматига тенг, аммо солиққа тортиш базасининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтирган ҳолда солиқ имтиёзлари жорий этилади;

- технологик жиҳозлар харид (импорт) қилинган пайтдан бошлаб уч йил ичида сотиб юборилган ёки текинга берилган бўлса, қайд этиб ўтилган солиқ имтиёзларининг амал қилиши бекор қилинади, бюджетга тегишли солиқлар тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланади. Технологик жиҳозлар харид (импорт) қилинган пайтдан бошлаб уч йил ичида сотиб юборилган ёки текинга берилган бўлса, божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бекор қилинади ва бюджетга божхона тўловлари тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланади;

- 2007 йил 1 апрелдан бошлаб хўжалик юритувчи субъектлар томонидан четдан олиб кириладиган технологик жиҳозлар (руйхати) бўйича қонунчиликда белгиланган божхона тўловларини тўлашда имтиёзлардан фойдаланади. Бундай имтиёз шартнома шартларида кўзда тутилган бўлса бутловчи ва эҳтиёт қисмларга нисбатан ҳам тадбиқ этилади.

### 3. Ўзбекистон Республикасининг инвестиция сиёсати

Давлат инвестиция сиёсати деб, иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, марказлашган инвестициялаш жараёнидан номарказлашган инвестиция жараёнига ўтиш, устувор инвестицион лойиҳаларни қўллаб қувватлашга қаратилган механизм, услублар йиғиндисига айтилади.

Давлат инвестиция сиёсати 3 та босқични ўз ичига олади.

**I босқич:** 1991-1994 йилларни ўз ичига олиб, бунда бюджетдан молиялаштириш сақланиб, хусусий мулкчиликни жорий этиш тадбирлари олиб борилди.


**II босқич:** 1995-2003 йилларни ўз ичига олиб, бунда инвестициянинг қонунчилик базаси яратилди, танлов асосида лойиҳалар молиялаштирилиб, хорижий инвестициялар жалб эта бошланди.

**III босқич:** 2003 йилдан ҳозирга вақтгача бўлиб, бунда валюта муносабатлари ва операциялари либераллаштирилди, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича муҳим ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Ўзбекистонда бугунги кунда Давлат инвестиция сиёсати ўзига хос икки йўналишга таянади:

- солиқ юкини енгиллаштириб, маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратиш;
- инвестиция дастурларини самарали амалга ошириш.

# Ўзбекистон Республикасининг тузилмавий инвестиция сиёсати



Давлат инвестиция сиёсатининг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- инвестициянинг қонунчилик базасини такомиллаштириш;
- мақсадли инвестицион сиёсатни юритиш;
- хорижий инвестицияларни самарали жалб этиш;
- давлат бошқарув органлари, ҳукумат ташкилотларининг назорат қилиш функцияларини янада такомиллаштириш.

Инвестиция сиёсатининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қуроллантириш ва модернизациялаш, янги иш ўринларини яратиш;
- экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш;
- инвестицияларни тендерлар асосида жалб қилиш.



## 4. Ўзбекистон Республикасида инвестицияларни жалб қилишнинг асосий йўналишлари

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури бу - давлат томонидан хорижий инвестицияларни қўллаб қувватлаш учун устувор ва биринчи галда бажарилиши керак бўлган давлат томонидан рағбатлантирилувчи йўналишларни ишлаб чиқиш воситасида амалга ошириладиган чоратadbирлар ҳамда хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ва улар киритган маблағларнинг юқори иқтисодий самарадорлигига эришиш учун мукамал ҳуқуқий база, тегишли институтлар яратиш тизимидир.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг оқимлари:

- Ўзбекистон иқтисодиётида кўшма корхоналарнинг барпо этилишига асос солди;

- чет эл корхоналари барпо этилишига замин яратди.

Ўзбекистон иқтисодиётга хорижий инвестицияларни фаол жалб қилишда қўйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- қулай инвестицион муҳитни яратиш;

- чет эл инвестициясини жалб этиш бўйича рейтинг кўрсаткичларини ҳисобга олиш;

- чет эл инвестициясини жалб этувчи ҳамда шу асосда товар экспорт қилишни кўпайтирувчи корхоналар учун имтиёзларни кенгайтириш;

- халқаро молия институтларининг республикамызда очган кредит линияларидан тўла-тўқис фойдаланишни таъминлаш;

- чет эл инвестицияларини ҳисоб ва ҳисобот тизими самарадорлигини ошириш.

## Хорижий инвестицияларни жалб қилиш шакллари



**2016 йилда мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган  
инвестицияларнинг тақсимланиши, %**

	Жами, инвес- тиция- лар, млрд. сўм	шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича:					
		давлат бюджети маблағ- лари	Суғориладиган ерларнинг ме- лиоратив ҳола- тини яхшилаш жамғармаси маблағлари	корхона ва аҳоли маблағ- лари	чет эл инвес- тиция ва кредит- лари	банк кредит- лари ва бошқа қарз маб- лағлари	бюджет- дан ташқари фондлар маблағ- лари
Жами:	49770,6	4,5	-	53,0	21,3	11,1	10,1
ш.ж.: мулкчилик шакллари							
давлат	8238,5						
нодавлат	41532,1						


**Иқтисодиёт тармоқлари бўйича асосий капиталга киритилган  
инвестициялар таркиби, %**

Кўрсаткичлар	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2016 йилни 2013 йилга нисбати, (+; -)
Асосий капиталга киритилган инвестициялар, млрд. сўм	28694,6	35233,3	41670,5	49770,6	+ 21076,0
ш.ж.: саноат	34,2	37,4	40,9	37,3	+ 3,1
қишлоқ хўжалиги	4,6	4,1	3,3	3,3	- 1,3
қурилиш	1,5	2,3	2,5	1,9	+ 0,4
транспорт	15,2	11,9	9,0	11,6	- 3,6
алоқа	2,7	2,2	2,2	2,2	- 0,5
савдо ва умумий овқатланиш	5,2	5,6	5,5	5,6	+ 0,4
уй-жой хўжалиги	20,7	20,2	21,9	22,3	+ 1,6
коммунал хўжалиги	2,5	2,5	2,1	2,2	- 0,3
соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот	3,1	2,8	2,5	2,8	- 0,3
таълим	2,6	2,3	2,3	2,7	+ 0,1
бошқалар	7,7	8,7	7,8	8,1	+ 0,4

**Иқтисодиёт тармоқлари бўйича асосий капиталга киритилган  
чет эл инвестициялар таркиби, %**

Кўрсаткичлар	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2016 йилни 2013 йилга нисбати, (+;-)
Асосий капиталга киритилган инвестициялар, млрд. сўм	5532,7	6980,1	8309,5	10611,4	+ 5078,7
ш.ж.: саноат	46,2	67,7	70,8	70,8	+ 24,6
қишлоқ хўжалиги	3,0	2,3	0,8	1,6	- 1,4
қурилиш	0,3	0,3	0,8	0,1	- 0,2
транспорт	33,0	14,5	13,1	13,1	- 19,9
алоқа	10,0	8,7	7,4	7,2	- 2,8
савдо ва умумий овқатланиш	0,6	0,5	0,7	0,7	+ 0,1
уй-жой коммунал хўжалиги	3,7	3,9	3,4	3,0	- 0,7
бошқалар	3,2	2,1	3,0	3,5	+ 0,3

## Давлат инвестиция дастури доирасида жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг тармоқлар бўйича улуши



*\* Давлат бюджети тuzилмаси*

Давлат бюджети  
(100%)

Республика  
бюджети  
(28%)

Маҳаллий  
бюджетлар  
(40%)

Давлат  
мақсадли  
жамғармалари  
(32%)

Вилоят бюджетлари  
(30%)

Туман бюджетлари  
(70%)